

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази директори

  
А.САИДОВ

2023 йил “ ”

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим,  
фан ва инновациялар вазирлиги

  
Н.АБДУРАХМОНОВ

2023 йил “ ”

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси  
мактабгача ва мактаб таълими  
вазирлиги

  
Х.УМАРОВА

2023 йил “ ”

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ёшлар ишлари агентлиги директори

  
А. САЪДУЛЛАЕВ

2023 йил “ ”

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши  
раиси в.б.

  
Т.ПОЙОНОВ

2023 йил “ ”

**“Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва  
инновациялар” миллий танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби  
тўғрисида**

**НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қондалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2023 йил 7 февралдаги ПҚ-46-сон Қарори билан белгиланган “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва инновациялар” миллий танловни (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи танлов ташкилотчилари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар танловда ҳамкор ташкилотчи бўлиши мумкин.

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази танловнинг ишчи органи ҳисобланади.

4. Танлов 2023 йилдан бошлаб ҳар йили ўтказиб борилади ҳамда июнь ойида эълон қилинади.

5. Танловда номинациялар бўйича белгиланган мезонлар асосида барча жисмоний ва юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

### **2-боб. Танловнинг мақсади ва вазифалари**

6. Танловнинг мақсади – инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва инновацияларни рағбатлантириш орқали аҳоли барча қатламларининг инсон ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини янада ошириш, ушбу соҳадаги илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

7. Танловнинг вазифалари:

– аҳолининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий ва халқаро стандартлар тўғрисида хабардорлигини ошириш;

– жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш;

– жамоатчилик эътиборини инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши ҳолатларига қарши курашиш жараёнларига кенг жамоатчиликни жалб қилиш орқали самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш;

– инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

### **3-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби**

8. Танлов бир турда ва кўйидаги номинацияларда ўтказилади:

– Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши ўқув курси: мактабгача таълим; мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий таълим муассасалари (ОТМ), олий

таълимдан кейинги таълим босқичлари учун алоҳида номинацияларда;

- “Инсон ҳуқуқлари болалар нигоҳида” мавзусида энг яхши расм;
- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган энг яхши видеоролик;
- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган энг яхши ўқув адабиётлари: босма ўқув адабиёт ва электрон ўқув адабиёти;
- Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши мақола: энг яхши илмий мақола ва энг яхши оммабоп мақола;
- Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши билимдон;
- Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши инновацион ғоя муаллифи.

9. Танлов бўйича материаллар **1 июндан 1 ноябрга қадар** қабул қилинади.

10. Танловнинг исталган номинациясида иштирок этишни режалаштирган талабгорлар танлов ишларини 1 ноябрдан кечиктирмай электрон шаклда ёки веб-манбага ҳаволани кўйидаги ҳужжатларни тақдим этган ҳолда юбориши лозим:

- Танловда иштирок этиш учун иловада белгиланган намунадаги ариза;
- иштирокчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ID-карта) нусхаси;
- иштирокчининг 1 дона 10x15 ўлчамдаги ва 2 дона 3,5x4,5 ўлчамдаги фотосурати (шунингдек, электрон шаклда);
- юридик шахсинингнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

11. Танлов оммавий ахборот воситалари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва манфаатдор ташкилотчилар расмий веб сайтида, телевидение ва радиода кенг ёритилади.

#### **4-боб. Танлов ҳакамлар ҳайъати**

12. Танловга топширилган материалларни баҳолаш Ташкилотчилар томонидан шакллантириладиган ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади.

13. Танловни ўтказиш бўйича Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори буйруғи билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 7 – 9 нафар етакчи мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати таркиби тасдиқланади.

14. Танлов ҳакамлар ҳайъати иштирокчилари томонидан топширилган материалларни баҳолаш, танлов жараёнида тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича иш олиб боради.

15. Танлов ҳакамлар ҳайъати номзодлар материалларини баҳолаш, материалларни кўриб чиқмасдан қолдириш, ғолибларни аниқлаш ҳақида ва бошқа қарорларни қабул қилади.

16. Танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда қарор қабул қилишга ваколатли ҳисобланади.

### **5-боб. Номинациялар бўйича танловга тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган талаблар**

17. Танловга топширилган материаллар қуйидаги мезонларга мувофиқ кўриб чиқилади: материалнинг эълон қилинган мавзу ва техник талабларга мувофиқлиги; кўчирилмаганлиги (плагиат); ғоясининг оригиналлиги ва ишнинг сифати.

18. *“Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши ўқув курси”* номинацияси ўз навбатида мактабгача таълим; мактаблар, коллеж ва лицейлар, ОТМлар, олий таълимдан кейинги таълим босқичлари учун алоҳида номинацияларга бўлинади. Уларга қўйиладиган талаблар:

тегишли босқичда таълим олувчилар учун талаб этиладиган малака ва кўникмалардан келиб чикиб, ўқув дастурининг тайёрланганлиги;

ўқув дастурларини тегишли босқичда таълим олувчилар учун ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мувофиқ келиши;

ўқув дастурлари асосида тегишли ўқув-услубий таъминотга эга эканлиги;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўқув курсининг замонавий ахборот ва педагогик технологияларга асосланганлиги.

Ўқув курсига оид электрон платформа мавжуд бўлса, унга афзаллик берилади.

19. *“Инсон ҳуқуқлари болалар нигоҳида”* мавзусидаги энг яхши расм номинацияси ўз навбатида мактабгача таълим мактаб, коллеж ва лицейлар тарбияланувчи ва ўқувчилари орасида ўтқазилади. Расмда болалар нигоҳида инсоннинг турли ҳуқуқ ва эркинликлари ифодаланган бўлиши лозим.

20. *“Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган энг яхши видеоролик”* номинациясида инсон ҳуқуқлари тўғрисида (танлов иштирокчилари ёки ташқаридан жалб қилинганлар) видеофильмлар; овоз, видео кетма-кетликлари, анимацион компьютер графикаси, турли хил махсус эффектлардан фойдаланадиган инсон ҳуқуқлари соҳасига оид мавзу тўғрисида гапириб берувчи видеофильмлар қабул қилинади.

*Танлов ишларига қўйиладиган талаблар:*

видео - AVI форматида (муддати 5 дақиқадан ошмаслиги, субтитрлар ўзбек, қорақолпоқ, рус ёки инглиз тилларида);

Ҳар бир ролик алоҳида файл сифатида тақдим этилади.

21. *“Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган энг яхши ўқув адабиётлари: босма ўқув адабиёт ва электрон ўқув адабиёти”* номинациясида таълим муассасаларини, шунингдек, илмий тадқиқот институтларининг профессор-ўқитувчилари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Танлов ишларига қўйиладиган талаблар:

ўқув адабиёти таълимнинг тегишли босқичида, “Инсон ҳуқуқлари” фанини янги авлод адабиётлари талаблари доирасида янада бойитишга ёрдам бериши лозим;

тегишли тартибда расмийлаштирилган ва ўқув жараёнига тавсия этилган ва қўлланиб келинган (апробация) бўлиши керак;

инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани қамраб олиши билан бир қаторда инсон ҳуқуқлари соҳасида бой миллий тажрибани қамраб олиб, уларни уйғунлаштирган бўлиши лозим.

Танлов номинациясида электрон дарслик/қўлланма учун алоҳида, босма дарслик/қўлланма учун алоҳида танлов ўтказилади.

22. “Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши мақола: энг яхши илмий мақола ва энг яхши оммабоп мақола” номинацияси икки йўналишда амалга оширилади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий журналларда ва оммавий ахборот воситаларида эълон килинган мақолалар қабул қилинади.

Танлов ишларига қўйиладиган талаблар:

мақоланинг мавзусини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги долзарб муаммога бағишланганлиги;

мақоланинг мазмуни, унинг мавзусига мувофиқлиги;

мақоланинг илмий аппарати ва илмий мусобаҳаси (илмий мақола учун);

мақолада кўтарилаётган муаммо ва унга таклиф этилаётган ечимлар;

мақоладаги ҳаётий мисоллар, уларни баён қилишдаги ўзига хос ёндашувлар, мустақил фикр ва қарашлар, хулосалар.

23. “Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши билимдон” номинацияси ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган бўлиб, ушбу соҳага оид саволлардан иборат тест синовлари шаклида ўтказилади.

24. “Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши инновацион гоя муаллифи” номинацияси инсон ҳуқуқлари соҳасида инновацион фикрлаш, аҳолига қулайлик яратиш йўналишида яратилган гояларни танлов ҳайъати томонидан баҳоланади.

25. Танлов иштирокчиси ўзи иштирок этадиган номинацияни мустақил равишда танлайди.

26. Агар бирон-бир номинацияда Танловда иштирок этиш учун камида учта талабнома топширилган бўлса, Танлов ушбу номинацияда ўтказилмайди.

27. Агар Танловда иштирок этиш учун қайсидир номинация бўйича учта ва ундан кам ариза келиб тушган бўлса, уша номинацияда танлов ўтказилмайди.

## **6-боб. Мусобақани якунлаш, танлов ғолиблари ва совриндорларини эълон қилиш ва тақдирлаш**

28. Ҳар бир тоифадаги ижодий ишларнинг сифати ўн балли мезон бўйича баҳоланади.

29. Номинациялар бўйича энг кўп балл тўплаган иштирокчилар танлов ғолиблари ҳисобланади. Танлов лауреатлари деб номинациялар бўйича иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган иштирокчилар тан олинади.

30. Совринлар сони: ҳар бир номинацияда 1 та биринчи ўрин, 2 та иккинчи ўрин, 3 та учинчи ўрин бўлиши мумкин.

31. Танлов хайъати танловнинг барча номинациялар бўйича натижаларини умумлаштиради, ҳар бир иштирокчи томонидан тўпланган баллар сонини кўрсатган ҳолда номинациялар бўйича протоколларни тасдиқлайди.

32. Танлов ғолиблари ва совриндорлари ҳақидаги маълумотлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва ҳамкор ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади. Шунингдек, ғолиблар телефон ёки электрон манзил орқали шахсан хабардор қилинади.

33. Танлов ғолиблари ва совриндорларини барча тоифалар бўйича тақдирлаш ҳар йили **декабрь ойида “Халқаро инсон ҳуқуқлари куни”**ни нишонлаш доирасида ўтказилади.

34. Ҳар бир йўналиш бўйича ғолибларга кимматбаҳо совғалар тақдим қилинади.

35. Танлов хайъатининг қарори билан ғолиб ва / ёки номинация ғолиблари аниқланмаслиги мумкин.

36. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган ишлар қайтариб берилмайди, тўланмайди ва кўриб чиқилмайди.

37. Танлов натижалари бўйича эътирозлар ва шикоятлар қабул қилинмайди.

38. Ташкилотчи танловнинг ҳар бир иштирокчисига рўйхатдан ўтиш вақтида кўрсатилган манзилга электрон шаклда Танловда катнашганлик ҳақидаги Диплом/ Сертификатни юборади.

## **7-боб. Якуний қоидалар**

39. Танловга материал тақдим этган ҳар бир иштирокчи ўз материалнинг муаллифлик ҳуқуқи эгаси эканлигига кафолатлаши ва учинчи шахсларнинг интеллектуал ҳуқуқларини бузмаслигини тасдиқлаши шарт.

Материалларда учинчи шахсларнинг интеллектуал ҳуқуқлари объектларидан фойдаланилган тақдирда, иштирокчи муаллифларни кўрсатиши ва иштирокчининг ушбу интеллектуал ҳуқуқ объектдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқлаши шарт.

Учинчи шахсларнинг интеллектуал ҳуқуқларини бузганлиги учун

танлов иштирокчилари амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

40. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган материаллар учинчи томонларнинг интеллектуал ҳуқуқларини бузган бўлса, ушбу ҳолат юзасидан танлов ташкилотчилари жавобгар ҳисобланмайди.

41. Танлов иштирокчилари ташкилотчиларга тақдим этилган материалларни таҳрир қилиш, шарҳлар ва тушунтиришлар бериш, муаллиф ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда фойдаланишга руҳсат беради.

42. Мазкур танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар ташкилотчилар маблағлари ҳамда ҳомий ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

43. Танлов иштирокчиларининг танловларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатлари уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**“Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва инновациялар” миллий танловида иштирок этиш учун**

**АРИЗА**

Ф.И.Ш./Ташкилот номи

Туғилган йили

Манзили

Ўқиш/иш жойи (фаолият тури)

Хужжат топшираётган номинацияси  
(тегишлиси танланади)

Танловга тақдим этилаётган материаллар  
рўйхати ва электрон файлларнинг жойланган  
манзили (ҳавола) (нашрлар файлообменник)

Алоқа (телефон рақами ва электрон почта  
манзили)

Фото

- Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши ўқув курси;
- “Инсон ҳуқуқлари болалар нигоҳида” мавзусида энг яхши расм;
- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган энг яхши видеоролик;
- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган энг яхши ўқув адабиётлари;
- Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши мақола.
- Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши билимдон;
- Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши инновацион ғоя муаллифи.